XALQ DEPUTATLARI ZAFAROBOD TUMAN KENGASHI QARORI

2022 - yil 30 - dekabr VI-54-192-3-50-K/22 Zafarobod tuman hokimligi

Зафаробод туманининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 27-, 99-моддалари асосан 2023 йил учун туман маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Зафаробод тумани маҳаллий бюджетининг даромадлари 1-иловага мувофиқ, 224636.0 млн.сўм, шундан туман маҳаллий бюджети даромадлари 42022.2 млн.сўм (ўтказиб бериладиган солиқ 8763,8 млн.сўм), харажатлари 95449,9 млн.сўм миқдорда, 5-иловага мувофиқ республика бюджетидан вилоят маҳаллий бюджетига ажратиладиган трансфертлар 39923,5 млн.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2023 йил учун туманнинг даромадлар прогноз режа кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2023 йилда:

а) қуйидаги солиқ турлари тўлиқ туман маҳаллий бюджетида қолдирилади:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

- якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр

станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

- Давлат мулки бўйича ижара тўловлари;

б) вилоят ва туман маҳаллий бюджетлари ўртасида ажратма меъёрларига асосан тақсимланади:

- юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

- бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

- қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

- юридик шахсларнинг фойда солиғи;

- жисмоний шахсларнинг декларацияга асосан тўлайдиган ва ижарага берилган мол-мулкдан олинадиган даромад солиғи

в) вилоят бюджетига тўлиқ хажмда ўтказилади:

- айланмадан олинадиган солиқ;

- қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

- қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

- айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

- қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар, автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш йиғими ва ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари);

- қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар

(даромадлар) ва ажратмалар;

- давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

г) Республика бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ўтказиб бериладиган даромадлар:

- мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2022 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ;

4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини янада ошириш учун 2023 йилда ҳам қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун базавий солиқ ставкасидан келиб чиқиб ҳудудлар кесимида кесимида халқ депутатлари туман Кенгаши ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғи ставкасига 0,5 дан 2,0 гача миқдорда камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 5-иловага ҳамда жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 $м^2$ учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига 0,5 дан 2,0 гача миқдорда камайтирувчи ва оширувчи қоэфицентлар 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин

5. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратма меьёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман маҳаллий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят Ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. Ушбу қарорнинг 5-иловасига мувофиқ туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажмлари маълумот учун қабул қилинсин ҳамда республика бюджетидан туман маҳаллий бюджетларига ўтказиладиган тартибга солувчи трансфертлар миқдори тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

7. Туманнинг туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Туман бюджетидан 2022 йилги ҳудудий бюджет маблағларини бюджет ташкилотларига ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ захира жамғармалари маҳаллий бюджетларнинг тасдиқланган харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилиши белгиланганлигидан келиб чиқиб, 2023 йил учун туманнинг туман бюджети захира жамғармаси ҳажми 679,0 млн.сўм миқдорида тасдиқлансин.

Туман ҳокимликлари захира жамғармалари маблағларини туманнинг туман бюджети параметрларида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

9. Туман ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига аҳолини фаол жалб этиш ҳамда жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш мақсадида ташкил этилган «Фуқаролар ташаббуси жамғармаси»га маҳаллий бюджетларнинг тасдиқланган харажатларининг 5 фоизига тенг миқдорида маблағ режалаштирилишини таъминласин.

10. 2023 йил учун туман бюджетининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлари миқдори 6-иловага мувофиқ белгилансин.

11. Туман бюджетида шаклланган қўшимча манбалар молия йили давомида халқ депутатлари туман Кенгаши қарорлари асосида ишлатилиши белгилансин. Кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни молиялаштириш ҳолатлари юзага келганда тегишли ҳокимларнинг қарор ва фармойишларига асосида ишлатилиб кейинчалик халқ депутатлари Кенгашларига ҳисобот бериб борилсин.

12. Туман маҳаллий бюджетининг даромадлар прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, туман ҳокимлиги харажатларни мақбуллаштириш

юзасидан таклифлари билан бирга тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш бўйича вилоят ҳокимлигига таклиф киритиш учун мурожаат қилади.

13. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан қўшимча равишда амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

14. Туман ҳокимлиги ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар билан биргаликда тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

15.Туман ҳокимлиги Қонунга мувофиқ тегишли равишда бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини туман Кенгашига киритиб борилишини таъминласин.

16.Бюджет ижросининг очиқлилигини таъминлаш мақсадида бюджет ташкилотлари:

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими тумандаги Инвестиция дастурининг ижроси этилиши тўғрисидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтида ҳар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай жойлаштирсин;

туман Давлат солиқ инспекцияси тақдим этилган солиқ имтиёзларининг миқдори тўғрисидаги маълумотларни солиқ тўловчилари кесимида ўз расмий веб-сайтларига ҳар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг
25 санасидан кечиктирмай жойлаштирсин;

туман ҳокимлиги молия бўлими бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар кесимида туман маҳаллий бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва уларни ижроси тўғрисидаги маълумотларни расмий веб-

сайтларда ҳар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай жойлаштирсин.

17. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, туман молия бўлими (А.Дўстназаров), туман солиқ инспекцияси (А.Исломов)ларга 2023 йилдаги бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

18. Қарор расмий нашрларда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

19. Мазкур қарор “Зафар йўлидан” газетасиида расман эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг zafarobod.jizzax.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

20. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Ў.Рахманов**

Xalq deputatlari Zafarobod tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-54-192-3-50-K/22-son qaroriga
1-ilova

Зафаробод туманининг туман маҳаллий бюджетининг даромадларининг
2023 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	2022 йил учун контингент режа	Шундан	
			Туман бюджетига	вилоят бюджетига
Жами Даромад		**224 636 006,0**	**42 022 165,0**	**182 613 841,0**
Жами солиқ режаси		**215 872 201,0**	**33 258 360,0**	**182 613 841,0**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	83108364	8 310 836,0	74 797 528,0
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	25029452	10 011 781,0	15 017 671,0
3	Корхоналарнинг айланмасидан солиқ	2221743	0,0	2 221 743,0
4	Акциз солиғи, жами	787920	0	787 920,0
	шу жумладан:			0,0
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*787920*		787 920,0
5	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	10558928	3 695 625,0	6 863 303,0
6	Юридик шахслар ер солиғи	6018511	1 203 702,0	4 814 809,0
7	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1353960	1353960	0,0
8	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	2900000	2900000	0,0
9	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1570000	1570000	0,0
10	Давлат мулки бўйича ижара тўлови	31000	31000	0,0
11	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	78829110	3 941 456,0	74 887 654,0
12	ЯТТ учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	240000	240000	0,0
13	Давлат божи	1330806		1 330 806,0
14	Жарималар	1163758		1 163 758,0
15	Йиғимлар	128649		128 649,0
16	Давлат унитар корхонлари соф фойдасидан ажратма			0,0
17	Хусусийлаштиришдан тушим	600000		600 000,0
18	Бошқа тушумлар			0,0
19	**Республика бюджетидан ўтказиб бериладиган даромадлар**	**8 763 805,0**	**8 763 805,0**	**0,0**
	шу жумладан:			0,0
	Арақдан акциз солиғи (шу жумладан пиво)	3 545 408,0	3 545 408,0	0,0
	Тамаки махсулотларига акциз солиғи	3 697 623,0	3 697 623,0	0,0
	Мобил алоқа хизматидан акциз солиғи	1 520 774,0	1 520 774,0	0,0

Xalq deputatlari Zafarobod tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-54-192-3-50-K/22-son qaroriga
2-ilova

2023 йилги Зафаробод туманининг туман бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Туман бюджети
Харажатлар миқдори, Жами		**95 449 877,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**95 449 877,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	**0,0**
1	**Мактабгача таълим бўлими**	**5 544 167,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 544 167,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2	**Халқ таълими бўлими**	**6 017 959,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 017 959,0
	шундан:	
	"Ёшлик" спорт маркази харажатлари	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3	**Соғлиқни сақлаш бўлими**	**29 423 210,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	29 423 210,0
	шундан:	
	Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасини сақлаш харажатлари	
	Тиббий-ижтимоий хизматлар бошқармаси	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4	**Маданият бошқармаси**	**2 885 004,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**2 885 004,0**
	шундан:	
	Туман маданият бўлимини сақлаш харажатлари	169 489,0
	Туман маданият марказларини сақлаш харажатлари	781 928,0
	Туман 9-сонли Мусиқа ва санъат мактаби	1 555 532,0
	Ш.Рашидов номидаги Жиззах Туман ахборот кутубхона маркази	378 055,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5	**Спортни ривожлантириш бўлими**	**2 944 176,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 944 176,0
	шундан:	
	Вилоят Спортни ривожлантириш бош бошқармаси сақлаш харажатлари	

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**8 930 438,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 930 438,0
	Ички йўлларни таъмирлаш харажатлари	3 000 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7	**Қишлоқ хўжалиги бўлими**	**1 170 381,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 170 381,0
	шундан:	
	Қишлоқ хўжалиги бошқармасини сақлаш харажатлари	432 359,0
	Зафаробо туман фермер, дехкон хужаликлари ва томорка ер эгалари Кенгашлари хузуридаги ФХБХХЮ Маркази	738 022,0
	шундан:	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8	**Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси**	**767 867,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	767 867,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9	**Молия бўлими**	**1 299 659,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 299 659,0
	шундан:	
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10	**Ветеринария бошқармаси**	**550 921,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	550 921,0
	шундан:	
	Вилоят чорва-насл Маркази	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11	**Бандлик бош бошқармаси**	**679 073,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	679 073,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12	**Туман ҳокимлиги**	**31 622 481,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	31 622 481,0
	шундан:	
	Туман хокимиятини саклаш харажати	3 239 139,0
	Халқ қабулхонаси	80 540,0
	Халқ депутатлари Туман Кенгаши котибияти	215 130,0
	Ижтимоий мослашув маркази	53 733,0
	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	6 000 000,0

	Маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш харажатлари	402 176,0
	Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»	4 508,0
	Захира жамғармаси	885 642,0
	Ижтимоий нафақалар	20 741 613,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13	**Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси**	**1 394 175,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 394 175,0**
	Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш булими	430 735,0
	Ўзини-ўзи бошқариш органлари	963 440,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14	**Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси**	**894 918,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	894 918,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15	**Ёшлар Агентлиги вилоят бошқармаси**	**1 325 448,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 325 448,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Xalq deputatlari Zafarobod tuman Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-54-192-3-50-K/22-son qaroriga
3-ilova

Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (қатий белгиланган солиқ)	Жисмоний шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Ижара тўлови	Юридик шахслар ер солиғи	Сув ресурслари-дан фойдалан-ганлик учун солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ
1	Зафаробод тумани	40	10	100	100	100	5	100	20	100	35

Изоҳ: * Вилоятга бўйсунадиган туман ва шахар бюджетининг бошка тушумлари

Хусусийлаштиришдан тушган тушумлар

Xalq deputatlari Zafarobod tuman Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-54-192-3-50-K/22-son qaroriga
4-ilova

Туман маҳаллий бюджетларининг 2023 йил даромадлари режаси

минг сўмда

Ҳудуд номи	Жами даромад	шундан			
		Ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)	Солиқ режаси	шундан	
				Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган даромадлар миқдори	Вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган даромадлар миқдори
Зафаробод тумани	224 636 006,0	8 763 805,0	215 872 201,0	33 258 360,0	182 613 841,0

Xalq deputatlari Zafarobod tuman Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-54-192-3-50-K/22-son qaroriga
5-ilova

Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	Жами даромадлар	шундан			Маҳаллий бюджет харажатлари
		Маҳаллий бюджет даромадлар	Ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)	Тартибга солувчи трансферт миқдори	
Зафаробод тумани	95 449 877,0	33 258 360,0	8 763 805,0	53 427 712,0	95 449 877,0

Xalq deputatlari Zafarobod tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-54-192-3-50-K/22-son qaroriga
6-ilova

Туманлар маҳаллий бюджетларида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/рҲудуд номи	Миқдор
1 Зафаробод тумани	**326 000,0**

Xalq deputatlari Zafarobod tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-54-192-3-50-K/22-son qaroriga
7-ilova

Қишлоқ хўжалигига мўлажалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар

Т/Р	Ҳудудлар	Коефицент (0,7 дан 3,0 гача)	Ер солиғининг ставкаси 2023 йил учун (млн.сўмда)
1	Бўстон МФЙ	0,85	24,21
2	Самарқанд МФЙ	0,85	24,21
3	Узун ҚФЙ	0,80	22,78
4	Бирлик ҚФЙ	0,80	22,78
5	Ёрқин ШФЙ	0,80	22,78
6	Нурафшон ШФЙ	0,75	21,36
7	Писталикент ШФЙ	0,75	21,36
8	Лолазор ҚФЙ	0,70	19,94
9	Чимқўрғон ҚФЙ	0,70	19,94
10	Чўлигулистон ҚФЙ	0,70	19,94

Xalq deputatlari Zafarobod tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-54-192-3-50-K/22-son qaroriga
8-ilova

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 кв.метр учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар

Т/Р	Ҳудудлар	Коефицент (0,7 дан 3,0 гача)	Ер солиғининг ставкаси 2023 йил учун (сўмда)
1	Бўстон МФЙ	0,84	242,64
2	Самарқанд МФЙ	0,84	242,64
3	Узун ҚФЙ	0,77	222,42
4	Бирлик ҚФЙ	0,79	228,20
5	Ёрқин ШФЙ	0,79	228,20
6	Нурафшон ШФЙ	0,74	213,76
7	Писталикент ШФЙ	0,74	213,76
8	Лолазор ҚФЙ	0,69	199,31
9	Чимқўрғон ҚФЙ	0,70	202,2
10	Чўлигулистон ҚФЙ	0,70	202,2